

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 26 июнь. Чоршанба №54 (915) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

ЖАРАЁН

ФАОЛИЯТ ОЧИҚЛИГИ МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАМОАТ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРАДИ

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳуқуқ соҳасидаги ўзига хос янги қадам бўлди. Зеро, қонун ижодкорлиги мудом инсонлар манфаатига, эл-юрт тараққиётига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш» ҳақидаги фармойиши мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш, айниқса, давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти юзасидан жамоат ташкилотлари, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини кучайтиришда янги босқич бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Давлатимиз раҳбари фармойиши билан тасдиқланган ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тартибига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари қатъий белгиланган. — дейди Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Ақром Халилов. — Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби у

руйхатта олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда, оммавий ахборот воситаларининг тажриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш тўғрисидаги талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилиши шарт. Бунда ахборот олиш талаблари ёзма, жумладан, электрон ҳамда озғани шаклда бўлиши ва бевосита ахборот олишдан манфаатдор шахсларнинг ваколатли вакиллари орқали юборилиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини янада кенгайтиради.

Мазкур жараёнда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими фаол иштирокчилардан бирidir. Ҳуқуқий эксперимент қўлланила бошланган уч ой вақт мобайнида бўлим ва бўлималар томонидан маҳаллий ҳокимликлар ҳамда бошқарув органлари идораларига 170 га яқин ахборот сўровлари юборилди.

> [2]

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ОМИЛИДИР

Бугунги кунда мамлакатимизда маҳалланинг мавқеи ва ваколатлари тобора ортиб, унинг мустақкам ҳуқуқий асослари яратилди. Айни пайтда фуқаролар йиғинлари авваллари давлат ҳокимияти зиммасида бўлган кўплаб вазифаларни самарали амалга ошириб келмоқда.



Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамия-

тини ривожлантириш концепциясида билдирилган фикрлар асосида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунарига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганидан барчамиз хабардормиз.

Бу иккала қонун билан танишиб чиққан ва уларни илгарилиги билан таққослаган ҳар бир фуқаро маҳалланинг нуфузи янада ошгани ва ҳуқуқий ваколатлари кенгайганига амин бўлади. Шу билан бирга, қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайловининг янада такомиллашганини аниқлатади.

> [2]

ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг «Обод уйим» танлови якунларига бағишланган навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



«ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

БАХТЛИ КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

тўғри касб танлашдан бошланади



— Эндликда фарзандларимиз мактабни қайси касб эгаси бўлиш тўғрисида аниқ қарорга келиб битирмоқда, — дейди Жиззах вилоятининг Галлаорол тумани Кўйтош шаҳарчасидаги 4-умумтаълим мактаби директори Гулнора Эшматова. — Бу ўз-ўзидан юз бергани йўқ, албатта.

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар давомида ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг янги тизими яратилиб, мактабларда педагогик-психологик тарбиянинг жорий этилиши ўқувчиларда касбий тушунчаларнинг барвақт шаклланишига туртки берди. Таълим-тарбиядаги бу муҳим вазифани амалга оширишда

«Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги қўл келаятир. Ана шундай ҳамкорлик натижасида бу йил мактабимизни битираётган 44 нафар ўқувчи қайси касб эгаси бўлишини яхши билади. Улардан 38 нафари касб-ҳунар коллежиди, 6 нафари академик лицейларда ўқишни давом эттирмоқчи. Кўйтош шаҳарчасидаги тўртта

умумтаълим мактабининг 9-синфларини бу йил 140 нафар ўқувчи битираётди. Худудда Кўйтош қонни жойлашгани туфайли ёшлар саноат йўналишидаги касбларга кўпроқ қизиқиш билдиришмоқда. Шаҳарчадаги Кўйтош саноат-транспорт коллежиди ҳудуднинг ишлаб чиқариш хусусиятлари, мутахассисларга бўлган талабдан келиб чиқиб, олти йўналиш бўйича ёшларга сабоқ берилаятир. Фақат шаҳарчадаги мактабларнинг битирувчилари эмас, Ўғат, Саврук, Томчи, Ҳовузбўлоқ қишлоқларидаги ёшларнинг ўқиши ҳам ҳисобга олингани боис билим юрти катта ва шинам этиб барпо қилинган.

> [4]

МАҲАЛЛА ТАРИХИДАН

Урф-одат ва анъаналар акс этган маскан



Азалдан халқимиз турмуш тарзида кўни-кўшничилик муҳим ўрин тутди. Ўзаро муносабатларнинг бундай шакли оила ва маҳалла ўртасидаги мустақкам алоқа ҳамда жамоа бўлиб яшаш ҳиссини қарор топтирган.

> [4]

ИШ БИЛАНГА — БАЛЛИ!

ДАСТУРХОННИНГ БЕЗАГИ, ХАЗИНАНИНГ ЎЗАГИ

Халқимиз балиқни «луқмаи ҳалол», деб таърифлайди. Қолаверса, парhezбop балиқ гўшти инсон танаси учун зарур микроэлемент ва дармондориларга бой.

Мамлакатимизда маҳсулотнинг ўшу турига бўлган талабини қондириш, соҳани ривожлантириш борасида изчил ишлар олиб борилаятир. Бозор талабларини тобора кўпайиб, нархдаги мутаносибликнинг сақланишига хизмат қилмоқда.

Навбахорлик Обид Умаров ҳам тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб ўз бизнесини йўлга қўйди. Бозор талабларини пухта ўрганган ишбилармон балиқ ҳамиша харидоригир эканини, айнан шу соҳада иш бошласа, рўзгорига мўмай даромад ҳамда аҳоли дастурхонига файз киритиши муқаррарлигини аниқлади.



> [3]



ЮРТИНГ ОБОД

ДИЛИНГ ОБОД

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, гўзал манзараларни кўриб дилингиз ёришади. Қатрада кўёш акс этганидек, мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар инъикосини Жондор тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Чунончи, биргина жорий йилнинг ўтган даврида худуддаги 7,2 километрдан зиёд ички йўللarga асфальт ётқизиilib, барча кўча ёқаларига манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2 минг тул, аҳоли томонидан эса 3 минг тулдан зиёд кўп йиллик атиргул кўчатлари экилди. Шу ўринда бу каби ободонлаштириш ишларида фонд асосий ташаббускор вазифасини ўтаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинимаси ҳисобидан кам таъминланган, яққо-ёлғиз қарилар, эҳтиёжманд, имконияти чекланган аҳоли хонадонларига 10 миллион сўмлик минг тулга яқин қаштан, орча сингари манзарали дарахт кўчатлари тарқатилиб, ҳашар йўли билан ўтказилди.

Мўҳими, бу каби ободончилик ишларида туман аҳолиси ҳам ташаббус кўрсатишмоқда. Бунинг натижасида худудда 10 километрдан зиёд йўл таъмирланиб, 5 километрга яқин узунликда ичимлик суви тармоғи тортилди. 5 та маҳалладаги спорт майдончасида эса таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Турмуш ободлигини таъминлашда кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис туманда сервис хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида мавжуд 51 та фуқаролар йиғинининг ҳар бирида маҳаллий тадбиркорлар томонидан намунавий маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилди. Тантаналар зали, гўзаллик салони, озик-овқат дўкони, касобиёлик устaxonаси сингари хоналардан иборат бу каби мажмуалар худудда янги иш ўринларини яратишда ҳам муҳим омили бўлмоқда.

Кувонарлиси шундаки, бугун юртимизда, маҳаллаларимиз қиёфасида кузатилаётган ободлик юрдошларимиз ҳаёти, турмуш тарзи, интилишлари билан тобора уйғунлашиб бормоқда. Чунончи, илгари бизга келадиган ариза ёки муносабатларнинг деярли барчаси рўзгордаги етишмовчилик, моддий ёрдам ёки озик-овқат ажратилиш хусусида эди. Бугун эса фуқаролар муносабатларининг аксарияти тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёхуд кенгайтириш учун кредит, ер, бино ажратиш, ўз бизнес фаолиятини лицензиялаш каби яратувчанлик мазмунидаги сўровларни ташкил қилмоқда. Бу эса аҳолининг турмуш шароити тобора яхшиланиб, эртанги кунга ишончи мустақкамлиб бораётганидан, орзулари, эҳтиёжлари, энг мўҳими, имкониятлари кенгайётганидан дарак беради.

Ҳамза ХУДОЙҚУЛОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Жондор тумани бўлинимаси раиси.

**26 ИЮНЬ — БУТУНЖАҲОН
ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ
КУРАШ КҮНИ**

ОҚИБАТИ АЯНЧЛИ ИЛЛАТ

Гиёҳвандлик — дунё аҳлини ташвишга солаётган долзарб муаммолардан. Наркотик моддалар инсоннинг соғлиғига, руҳиятига ҳамда ўзлигига путур етказиб, охир-оқибат уни ажал комига улоқтиради. Гиёҳвандлик ўзига тобе бўлган кишини турли жиноятларга етаклайди.

Глобал миқёсдаги бу масалага мамлакатимизда ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни наркотик моддалар файриқонуний айланishi ҳамда унинг суиистеъмолига қарши олиб борилаятган саъй-ҳаракатлар мисолида кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуни ижроси юзасидан жойларда кенг қўланили ишлар амалга оширилмоқда.

Айни кунларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда «Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги» доирасида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахсларда ижобий ижтимоий дунёқарашни шакллантириш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаятир. Гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг салбий оқибатларини тушунтириш юзасидан ёшлар ўртасида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ОМИЛИДИР

< [1]

Янги таҳрирдаги қонунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш борасидаги вазифаларини кенгайтириш ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган.

Зиммасига юклатилди. Янги таҳрирдаги қонунда фуқаролар йиғинларининг ваколатлари янада кенгайтириб, тегишли ҳудуд доирасида ободоналаштиришга, қўллаб-қувватлаш ва санитариya ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлди. Маҳалла тизимида меҳнат қилаётган мутасаддилар юқорида қайд этилган масалаларни ижобий ҳал этиш учун масъулият билан ёндашсалар, фуқароларнинг бошқа ташкилотларга ўз муаммолари билан чиқишларига ўрин қолмайди.

Ҳамда ошкораликни таъминлаш қўзда тутилган. Қонундаги яна бир катта ўзгариш бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказишдаги ваколатлари кенгайтирилганидир. Олий Мажлис Сенати Кенгашига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни ўтказишнинг аниқ мuddатини ва сайловларга тайёргарлик қўриш тадбирларини ўтказиш тартибиди белгилаш ҳуқуқи берилди.

Уларнинг таркибига тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгаши депутатлари киритилиши қўзда тутилди. Бундан ташқари, ишчи гуруҳга аҳоли фикрини эътиборга олган ҳолда, фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиси вазифасига ҳам номзодларни тавсия этиш ҳуқуқи берилди. Мазкур ишчи гуруҳлар томонидан ҳовиллар, уйлар, кўчаларда яшовчиларнинг фуқаролар вакиллари сайлаш юзасидан умумий йиғилишни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ва унинг баённомасини тузиш масъулияти юклатилди.

Рустам АРЗИЕВ, Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг Қонунийликни, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия раиси.

ЖАРАЁН
ФАОЛИЯТ ОЧИҚЛИГИ
МАСЪУЛИЯТ ВА
ЖАМОАТ НАЗОРАТИНИ
КУЧАЙТИРАДИ



< [1]

Бўлим бошқаруви масъул котиби Фарҳод Болтаевнинг таъкидлашича, лойиҳасида кўрсатилган тартибда ун беш кун мuddатда жавоб юборилган. Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг 9- ва 14-моддаларига мувофиқ вилоят ҳокимлиги ҳамда турли бошқарув идоралари коллегия йиғилишларида фонд ҳудудий бўлими вакиллари мунтазам равишда таклиф этилмоқда.

Этилган бўлса, биргина май ойининг ўзида журналистларнинг 37 та, шунингдек, нодавлат ташкилотларининг 42 та, жисмоний шахсларнинг 80 га яқин сўровларига жавоб берилди. Айнан ана шу ҳолатни вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтига тушган мурожаатлар ва ахборот сўровлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН
МИЛЛИЙ ВА
МАЪНАВИЙ
ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА



«Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини Наманган шаҳрининг эски шаҳар ҳудудида жойлашган. Турар-жойлари бир-бирига тутшиб кетган ушбу маҳалла маънавий қадриятлар, миллий анъаналар, урф-одатларни сақлаб, қадрлаб келаётгани билан нафақат шаҳарда, балки бутун вилоятда ном қозongan.

«Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг вилоят босқичида ўтган йили голиб бўлган ҳамда жорий йилда ҳам фаол иштирок этган Қариммахон Мирзалиева айнан шу йиғинда фаолият юритади. Маърифат ва маънавий масалалари бўйича комиссия фаолияти билан танишишни мазкур маҳалладан бошлаганимизнинг боиси ҳам шундан. Маслаҳатчи хонасида комиссия фаолиятига тегишли ҳужжатлар — комиссия таркиби, Низом, ўтказилган тадбирлар баённомалари ва фотосуратлари тартиб билан жойлаштирилган.

Яқинда комиссия томонидан шу йил умумтаълим мактабини битирган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан учрашув-мулоқот ўтказилди. Тадбирда ўғил-қизларни таъминнинг кейинги босқичига жалб этиш, ёшларнинг ўзарига маъвул касб-хунар эгаллаш учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўз борди. Ана шундай тадбирларни сентябрь ойига қадар мунтазам ўтказиб бориш қўзда тутилмоқда. Бунинг учун комиссия аъзоларига аниқ вазифалар белгилаб берилган.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ
САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

< [1]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг раиси Акмал Саидовнинг таъкидлашича, 2008-2012 йилларда «учинчи сектор»ни қўллаб-қувватлашга субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида 28,9 миллиард сўм ажратилган. 2013 йилда эса бу кўрсаткич 7 миллиард сўмни ташкил қилди ва у 2008 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2,3 марта кўпдир.

Танловга 116 нодавлат нотижорат ташкилоти ва бешта оммавий ахборот воситалари вакиллари билан 138 ариза келиб тушди. Парламент комиссияси аъзоларининг қайд этилишича, бу борада кенг қўламли ахборот-тушунтириш ишлари, жойларда семинар ва матбуот анжуманларининг ўтказилиши, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини кенг жамоатчилигини ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар билан таништиришга жалб қилиш натижасида юксак самараларга эришилди. Буларнинг барчаси «учинчи сектор» вакиллари танловлар йўналишлари, шартлари ва мuddатлари, давлат грантлари миқдори билан таништиришга ёрдам берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ишчи гуруҳи томонидан лойиҳа аризаларини кўриб чиқишда лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятига, аризаланинг танлов талабларига мувофиқлиги, лойиҳа доирасида давлат ҳокимияти органлари билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш даражасида алоҳида эътибор қаратилди. Пировад натижада танлаб олинган 27 лойиҳа қиймати 248,8 миллион сўмлик маблағга эга бўлди.

С.ТОҶИЕВ, ЎЗА мухбири.

СЕМИНАР
МАЛАКА ВА МАҲОРАТНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН



Эркин, демократик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шартларидан бири аҳолининг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларда фуқаролик позициясини шакллантиришдан иборатдир.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчиллигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрни тутади. Ҳудудий нашрларда фаолият юритаётган ёш журналистларнинг билими ва маҳоратини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари йиғилишлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Татқиқлаш жоизки, мазкур лойиҳа 2008 йилдан буён Фонд томонидан амалга оширилган бўлиб, ўтган йиллар давомида вилоят, шаҳар, туман таҳриратларида фаолият кўрсатаётган 500 нафарга яқин ёш журналист иштирок этди.

26 ИЮНЬ — БУТҶАҲОН ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КҮНИ
ОҚИБАТИ АЯНЧЛИ ИЛЛАТ

< [1]

Бўйини ҳалол меҳнатга ёр бермайдиган айрим калабани қимсаилар оғдурушликни ўзинга касб қилиб олаётгани ачинарлидир. Мазкур воқеа кўпчиликни ўйга толдириши шубҳасиз.

донлардаи самимий ҳамкорлик қила бошлади. Унга ажойиб қийнлар, тақинчоқлар олиб берди. Ҳагто оила си була туриб, Сайёрага ноқонуний ўйланди ҳам. Кейин эса «рузгор ташвишлари»ни бирга ҳал этадиган бўлишди. Ёнарига ишончли ҳамтовоқларни тўплади. Гуруҳ аъзолари ноқонуний йўллар билан кўп миқдорда героин сотиб, пулни ўртада тақсимлашди. Орада базму жамшица ўноштириб, ўзлари ҳам «захри қотил» мазасини тоттишди. Аммо кайфу сафо узоққа бормади. Жиндий гуруҳ кирдикорлари ницдан иннасиғача фoш этилди. Асли хивалик, сунги пайларда Урганч шаҳридаги Пертав кўчасидаги уйларнинг бирида яшоб юрган Хусин Маширипов, Урганч туманининг Юқори бог қишлоғидан Сайёра Отаниёзова, улар атрофига уюшган Хуршида Бекжонов, Дилшод Раҳматуллаев ва Баҳром Матёқубов қўла олиниб, қилмишларига яраша жавобгарликка тортилдилар.

Урганч туманидаги Галаба қишлоғида яшайдиган, олий маълумотлиги Йўлдошбой Иброҳимов Қорпоул қишлоғида яшайдиган Иқром Сафоев билан тил бириктирди. Ҳамтовоқларини ишончли одамларидан героин харид қилиб, уни бошқаларга қимматроққа сота бошладилар.

Улар бир куни «Абу Сахий» болоризидан «Панасоник» русумли телевизор харид қилиб, Иқромнинг Чилонзор тумани «Оқтепа» маҳалласида ижарада турадиган уйига олиб келишди. Буюм ичига усталлик билан беш кило «қора дори» жойлаштирилди. Кейинги сафар «Виндерс» русумли кондиционерга худди шунча гиёҳванд моддани яширишди. Шу тариқа миллион-

миллион пул ишлашди. Лекин ноқоний иш барибир ошкор бўлар экан. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимлари икки дўстнинг «тадбиркор»лигига чек қўйишди. Суд ҳукми билан Иқром 13, Йўлдош 11 йил темир панжара ортига равона бўлди. И.Сафоевнинг ашёвий далали, деб эътироф этилган 4 минг 800 доллари, «Ваз-2100» русумли енгил автомашинаси, И.Иброҳимовнинг 2 минг 200 доллари, «Нексия» русумли автотомашиниси жиноят қуроли сифатида мусодара қилинди.

Жамшид БЕК «Mahalla»

Абдулла САФОЕВ «Mahalla»

«ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

БАХТЛИ КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР



— Давлатимиз томонидан ёшлар келажаги учун кўрсатилаётган рағбат туғайди...

тўғри касб танлашдан бошланади

Жалб этишда ҳам уларнинг кўп йиллик ҳаёт тажрибаси, эл оралиги ҳурмат-эътибори ўз самарасини бераётди...

МАҲАЛЛА ТАРИХИДАН УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАР АКС ЭТГАН МАСКАН



Жамоани оқсоқол бошқарган. У ўз навоҳитида, олий оқсоқоллар кенгашига бўйсунган...

Дунё бўйлаб

Энг йирик қутқарув амалиёти

Хиндистон армияси ўз тарихидаги энг йирик қутқарув амалиётини бажармоқда...

«ЁЗ — 2013» ЯХШИ ДАМ — ЎҚИШГА ҲАМДАМ

Жассам этгани учун ҳам кундузги оромгоҳлардан бири ҳудуддаги 222-умумтаълим мактабиде ташкил этилди...

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ БОЙ ТАЖРИБА МАШҒУЛОТДА АСҚОТАДИ

12-16 июнь кунлари Барселона шаҳрида Бутунжаҳон якка курашлар ташкилоти — WASCО томонидан ўтказилган жаҳон чемпионатида тэквондо (ITF) бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади...

Гриппга қарши вакцина

Япония соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан гриппга қарши янги вакцина ишлаб чиқарилгани эълон қилинди...

Дорбознинг маҳорати

Америкалик дорбоз Ник Валленда ҳимояланмаган ҳолда Гранд-Каньон дарасидан ўтди...

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА ДАРДНИ ЕНГУВЧИ МАЛҲАМ

Биргина сўз инсонни ҳалокатга етаклаши ёки ҳаёта қайтариши мумкин. Бу ҳам бўлса меҳр ёки қаҳр ила айитилган калом. Фақат биз инсонлар бундай мўъжизага ишонишга иккиланамиз...

Хусусан, 15 ёшга тўлган усмирни жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзолити махсус катар...

Жамоани оқсоқол бошқарган. У ўз навоҳитида, олий оқсоқоллар кенгашига бўйсунган...